



“Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир” деган конституциявий норма асосида мамлакатимизда халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қиладиган, Конституция ва қонун устун бўлган самарали ва барқарор тизим шаклланди.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА СПОРТНИ ОММАЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

9 декабрь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида туризм ва спорт соҳаларида амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгуси йилдаги вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ўзбекистонда туризм иқтисодиётининг стратегик тармоқларидан бири сифатида ривожлантирилмоқда. Қатор фармон ва қарорлар асосида бу соҳадаги шароитлар кенгайтирилмоқда. Хусусан, фуқароларидан юртимизга виза талаб этилмайдиган мамлакатлар сони 9 тадан 86 тага етказилди. 53 та давлат учун “электрон виза” тизими жорий этилди. Туризм учун қийин бўлган жорий йилда соҳадаги субъектлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланди, уларга субсидия ва ссудалар берилди.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда коронавирус пандемияси шароитида ёндашувларни қайта кўриб чиқиш, мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятини тиклаш ҳамда ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Келгуси йилда 1,7 миллион хорижий, 7,5 миллион маҳаллий сайёҳларни жалб қилиш, туризм хизматлари экспортини 370 миллион долларга етказиш мақсад қилинган. Бу борада энг катта манба, аввало, зиёрат туризмидир. Юртимизда испом динига оид кўплаб зиёратгоҳлар, яхудилик, буддавийлик ёдгорликлари бор. Бу имкониятдан фойдаланиб, 700 минг зиёратчини жалб қилиш ва 130 миллион долларлик хизматлар экспортини таъминлаш мумкин.

Шу боис, келгуси йилдан Европа мамлакатлари, Малайзия, Индонезия, Покистон, Таиланд, Япония каби давлатлар билан авиақатновларни босқичма-босқич тиклаш, янги рейсларни йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берилди. Миллий авиакомпаниямизда чипталар нархи баландлиги танқид қилиниб, уни арзонлаштириш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари зиёрат туризмиде тарихот ва илмий ёндашув етишмаётганини таъкидлади. Ўзбекистоннинг чет эллардаги элчихоналари билан бирга бу борадаги ишларни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди. Зиёрат туризми бўйича салоҳиятли давлатлар фуқаролари учун виза тизimini соддалаштиришга доир тақлифлар билдирилди.

Соҳадаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида Бош вазир ўринбосарлари раҳбарлигида Идоралараро комиссия тузилди белгиланди. Ушбу комиссия авиапаровозларни ташкил этиш, уларга ружат олишни соддалаштириш, қатновлар географиясини кенгайтириш ва аэропорт хизматларини яхшилаш бўйича тизимли шуғулланади.

Худудларда ҳали етарлича ўрганилмаган, сайёҳлар жалб этилмаган қадамжолар кўплиги таъкидланди. Маданият вазирлиги, Дин ишлари бўйича

қўмитага 300 та маданий мерос объекти ва зиёратгоҳни реставрация қилиш вазифаси қўйилди.

Буюк олим Абу Мансур Мотуридий мақбараси ва унинг яқинида дафн этилган 8 буюк уламо қадамжосини дунёда 170 миллиондан зиёд издоши бўлган мотуридия таълимотининг зиёрат марказига айлантириш мумкинлиги таъкидланди.

Йиғилишда Самарқанд вилояти ҳокимлигига шу борада кўрсатмалар берилди. Бухоро вилоятида испом дини ва минтақадаги дин намояндalари тематик хибони лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурлиги айтилди.

“Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” номли ички туризм дастури келгуси йили изчил давом эттирилади. Бунинг учун Рўза ва Қурбон ҳайитлари, Наврўз, Мустақиллик куни ва Янги йил байрамлари даврида қўшимча дам олиш кунлари белгиланмоқда. Шунингдек, номавсумий саёҳатлар учун ички туризм ойлари, ҳафталиги ва кунлари ташкил этилади.

Президентимиз пандемия сабабли туризм соҳаси учун 2020 йил охирига-чара берилган имтиёз ва преференцияларни 2021 йил охирига қадар узайтириш, аҳолига транспорт ва меҳмонхона хизматлари бўйича чегирмалар бериш, ички туризмни оммавий ташкил этиш муҳимлигини таъкидлади.

Видеоселектор йиғилишида сайёҳлик масканлари ва инфратузилма объектиларини кўпайтириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида бу борада ўнлаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Амирсой” курортининг иккинчи босқичи, “Белдерсой — Чимён — Нанай” халқаро курорти, “Хўжакент” дор йўли, 29 та меҳмонхона ва дам олиш масканлари қурилмоқда.

Ушбу таъриба асосида келгуси йилда сайёҳлик салоҳияти юқори бўлган 14 та туман, Хонобод ва Ангрен шаҳарларида туризмни жадал ривожлантириш дастурини амалга ошириш чоралари белгиланди.

Йиғилишда аҳолини оммавий спортга кенг жалб қилиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Бугунги кунда аҳолимизнинг бор-йўли 19 фоизи жисмоний тарбия ва спорт билан қамраб олинган. Аксинча, носоглом турмуш тарзи, таркибда тўз, қанд ва ёғ микдори кўп бўлган ҳамда хамирли таом ва нонни меъёридан ортиқ истеъмол қилиш ҳолатлари кўп учрайди.

Коронавирус инфекцияси, аввало, юрак-қон томир, нафас йўллари касаллигига чалинган, ортиқча вазнли фуқароларда оғир кечгани ҳаммага маълум. Бу ҳам соғлом турмуш тарзи ва спортнинг аҳамиятини яна бир бор яққол кўрсатди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 30 октябрдаги фармонида соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш бўйича жуда муҳим чора-тадбирлар белгиланган эди. Жумладан, туман марказлари ва шаҳарларда 3-5 километрик “Саломатлик йўлаклари” барпо этиш вазифаси қўйилган.

Йиғилишда шу борадаги манзилли рўйхатни шакллантириб, қурилиш ишларини бошлаш, пиёдалар ва велосипедлар учун барча қулайликларни яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президентимиз жойларда спорт инфратузилмасини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Хусусий спорт иншоотлари, воркаут, мини-футбол, бадминтон, стритбол майдонлари ва фитнес заллари барпо этишга тадбиркорларни жалб қилиш бўйича топшириқлар берилди.

Юртимизда халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш орқали спорт туризмни ривожлантириш кераклиги таъкидланди. Хусусан, халқаро мототур ва велотур мусобақалари ташкил этилади, бунинг учун мамлакат худудларидан Бўстонлик туманигача маршрут ишлаб чиқилади.

Аҳоли ўртасида жисмоний тайёргарлик даражаси бўйича спорт синовларини йўлга қўйиб, унинг қолибларига имтиёзлар берилиши белгиланди. Буни биринчи навбатда мактаб ўқувчилари ўртасида, босқичма-босқич аҳоли ўртасида ташкил этиш кераклиги қайд этилди.

Маълумки, Ўзбекистондаги ҳар бир туман ва шаҳар биттадан устувор, истиқболли ҳамда ривожланаётган спорт турларига ихтисослаштирилган. Мазкур тизимдан келиб чиқиб, худудда йирик мусобақалар ўтказиб туриш ва салоҳиятли спортчиларни тарбиялаш муҳимлиги таъкидланди. Бунинг учун Миллий олимпия қўмитаси барча спорт федерациялари фаолиятини туман ва шаҳарларга боғлан ҳолда ташкил этиб, жойларда Олимпия ҳаракатини ривожлантириб боради.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

СУДЬЯЛАРНИНГ ЧИНАКАМ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА СУД ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, малакали кадрларни танлаш, судьялик касбига тайёрлаш ва тайинлаш тизimini тақомиллаштириш, шунингдек, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини ошириш бўйича изчил ишлар олиб боришмоқда.

Шу билан бирга, суд тизимига етарли билим ва ҳаётий таърибага эга бўлган муносиб кадрларни танлаш ва лавозимга тайинлаш ҳамда судьялар фаолиятини холис баҳолаш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмаганилиги бу борадаги ишлар шаффофлигининг етарлича таъминланмай қолишига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, суд ҳокимияти тизимиде коррупция ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш,

коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш тизimini самарали йўлга қўйиш талаб этилмоқда.

Суд тизimini малакали ва ҳалол пок кадрлар билан тўлдириш, суд органларининг фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг суд ҳокимиятига бўлган ишончини янада ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Судьялар мустақиллигини таъминлаш ва суд тизимиде коррупциянинг олдини олиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИНАДИГАН СОҲАЛАРГА ХУСУСИЙ СЕКТОРНИ ЖАЛБ ЭТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш, самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда тадбиркорларга янада қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, давлат томонидан алоҳида соҳаларни ортиқча тартибга солиш ҳолатлари ханузгина мавжудлиги хусусий секторнинг давлат функцияларини амалга оширишдаги иштироки даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Жумладан, давлат функцияларини

хусусий секторга бериш имкониятини ўрганишга ҳамда мазкур йўналишда тегишли шарт-шароитларни яратишга қўшимча хизматларни томонидан ушбу масалаларга эътибор қаратилмаётганилиги олиб келмоқда.

Бозор шароитида рақобатни янада ривожлантириш, тадбиркорликнинг янги йўналишларини ривожлантиришга қўшимча имкониятлар яратиш, фуқароларнинг ишчиланик фаолигини ошириш, аҳолига хизмат кўрсатиш тизimini янада тақомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021

йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Адлия вазирлиги, Иқтисодий тарақиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг қуйидагиларни назарда тутувчи “Давлат функциялари — бизнес учун имконият” лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин:

Давоми 3-бетда

МЕҲР-3

ЭЛПАРВАРЛИКНИНГ ЯНА БИР ИФОДАСИ



**Усмонхон АЛИМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари
идораси раиси, муфтий**

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Аллоҳга шукри, сўнги турт йилда мамлакатимизда инсон ҳуқуқи ва эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида

нафақат юртимизда яшаётган, балки ўзга элларда мураккаб аҳволга тушиб қолган фуқароларимизга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Муҳтарам Президентимиз кўрсатмалари асосида амалга ошириб келинаётган “Меҳр” номли инсонпарварлик тадбирининг навбатдаги босқичи доирасида 2020 йил 8 декабрь куни Сурия мамлакатининг жанговар ҳаракатлар давом этаётган қисмидан жами 98 юртдошимиз, яъни 25 аёл ва 73 бола она Ватанимизга қайтарилди. Болаларнинг 14 нафари чин етим экани тадбирнинг аҳамиятини янада оширади.

Суриядаги оловли худудлардан олиб келинган аёллардан бирининг турмуш ўртоғи, бошқа бирининг отаси қуролли тўқнашувларда аянчли ўлим топган. Оқибатда ҳали болалик бахтини ҳис қилмаган гўдакларнинг кўпчилиги отасидан айрилган, баъзилари эса етим бўлган.

Қийин шароитда ҳаёт кечирган бу аёллар ва болаларни давлатимиз ўз химоясига олди.

Айни қиш фаслини ҳисобга олиб, уларни Суриядан олиб келиш учун мам-

лакатимиздан иссиқ кийим-кечаклар ва бошқа зарур нарсалар олиб борилиб, уларга берилди.

Эри ёки отасининг ҳатолари туфайли тақдирнинг аччиқ қисматида дучор бўлган бу аёллар ҳамда болаларни жамиятимизнинг тўлақонли аъзоси бўлиб, Ватанда истиқомат қилиши, келгусида юрт қорига ярайдиган инсон бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратилди. “Меҳр” номли инсонпарварлик тадбирлари орқали уларга яна Ватан деган обод манзилда хотиржам яшашдек улкан бахтни ҳада этиш улғув саъбага йўғрилган амалдир. Меҳрга ташна бу инсонлар барча қулайликлар яратилган соғломлаштириш муассасасига жойлаштирилиб, иссиқ овқат, кийим-кечак ва бошқа барча зарур шароитлар билан таъминланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси, ҳукуматимиз, масъул вазирлик, идоралар саъй-ҳаракати билан улар қалбига эзгулик, меҳр, қўйиники, барча инсоний фазилатлар уруғи қадалди.

Ўзбекистон “Меҳр” инсонпарварлик тадбирининг 3-босқичини амалга оширди.

Давоми 4-бетда

10 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун

УЛУҒ ХАЛҚ ҚУДРАТИНИНГ ТАЖАССУМИ



**Минхожиддин МИРЗО,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази раҳбари**

Ҳар гал она Ватанимизнинг муқаддас қўшиғи — Давлат мадҳиясини тинглаганимда, армон, ўқинч, орузмандлик ичра мардона яшаб

ўтган буюк маърифатпарварларимиз қатори икки улғу зот кўз олдимдан ўтади. Бири мадҳиямизни яратишда замонавий мусиқани мумтоз санъатимизга хос мангу наволар ила уйғунлаштиришга олиб келган Мутал Бурҳонов бўлса, яна бири умрини Ватан, миллат шаънини улғулашга, занжирбанд қалбларни уйғотиб, овоз сўз айтишга борлигини бахшида этган Абдулла Орипов. Бу икки қалба ҳам буюк армон, буюк орзу мужассам эди. Мутал Бурҳонов мустабид тузум даврида ўзи яратган бу соҳир мусиқий асар моҳиятидаги сўзлар миллатни улғулашга эмас, кимларгадир эрта тонгдан салом бериб, тобеликка хизмат қилганидан эзилб, ўқиниб яшади. У мусиқада гўзал сурат бор эди-ю, миллат сийрати, эрку нафаси йўқ эди. Назаримда, Мутал ака зар чопонини ўғрига олдирган инсондай, унинг асл эгасига қайтарилишини бир умр кутди.

Ва ниҳоят, ўша кутилган кун — 1991 йил 31 август келди, истиқлолга эришилди. Қисматни қарангки, 1992 йил 10 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий

Кенгашининг ўн биринчи сессиясида айнан шу икки зот яратган мадҳия танловда юксак эътироф этилди.

Миллий озодлиқни қўлга киритган, миллий тарақиётнинг тарихий босқичига қадам қўйган ҳар бир халқ ўзи учун Ватанининг шонли тарихи, бугуни ва келажаги, орзу-интилишларини мужассам этган давлат рамзларини қабул қилади. Бу рамзлар давлат суверенитетининг ўзига хос шахоҳатномасидир.

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги қонун қабул қилинган кунни ёши улғулар ҳаяжон билан эслайди. Бу эркинлик, ҳуқуқсизлик, камситиш ва таҳқирлашлар ичра яшаб келган халқнинг 130 йил орзиқиб кутган ҳаяжони эди.

Истиқлол байроғи ҳилпирай бошлаганидек, мадҳияга асл жон ва руҳ қайтди. Бу инсоният оламида буюк давлат, буюк тарих, буюк маданият яратган халқ ва миллатнинг жони, руҳига туташ орзу-умидлар, олий мақсадлар тажассуми эди.

Давоми 5-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

СУДЬЯЛАРНИНГ ЧИНАКАМ
МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
ҲАМДА СУД ТИЗИМИДА
КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланғич 1-бетда

судьяларнинг касбий малакаси, маънавияти ва масъулиятини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш орқали юксак профессионал судьялар корпусини шакллантириш.

2. Судьялар олий кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш) ва Олий суднинг қуйдагиларни назарда тутувчи тақлифларга розилик берилсин:

а) 2021 йил 1 февралдан бошлаб суд тизимида коррупция ҳолатларининг олдини олиш, Кенгаш ва суд тизими фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш борасида:

илк бор судьялик лавозимларига номзодларни танлаш бўйича имтиҳон жараёнларини Интернет тармоғи (веб-сайт) орқали онлайн тарзда ёритиб боришни йўлга қўйиш;

судьялик лавозимига номзодлар ва судьяларнинг психологик портрети бўйича касбга муносиблигини баҳолашга қўмақлашувчи электрон дастурни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

судья фаолиятининг самарадорлигини электрон рейтинг орқали очиқ ва шаффоф баҳолашни таъминлайдиган аниқ мезонларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумий судьялари судлари ташкил этилиши муносабати билан 2021 йил 1 январдан ушбу судьяларнинг малака хайъатларини шакллантириш.

3. Судьяларнинг юридик жавобгарлиги масаласини ҳал этиш пайтида уларнинг одил судлов билан боғлиқ фаолиятига ҳар қандай аралашувнинг олдини олиш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йилдан бошлаб:

судьяларнинг дахлсизлигини бузганлик ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик ҳолатлари юзасидан Кенгаш раиси томонидан киритилган тақдимнома прокуратура органлари томонидан бир ой муддатда кўриб чиқилиб, жиноят иши кўзга тутилганлиги ёки кўзга тутилганлиги ҳақида Кенгашга Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан хабар бериланди;

судьяларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга гувоҳ ёки гумон қилинувчи сифатида сўроқ қилиш учун чақиривга тегишли малака хайъатлари розилиги билан йўл қўйилди;

суд ҳокимияти мустақиллигини ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган омишлар ва тизимда коррупцияга қарши курашиш ҳолати юзасидан Кенгаш раиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига йил якуни бўйича ахборот тақдим этиб борилди.

4. Кенгашнинг судларда коррупцияни келтириб чиқарувчи омишларни тизимли равишда бартараф қилиш ва унга қарши курашиш самарадорлигини ошириш борасида қуйидаги тақлифлари маъқуллансин:

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган, фаолиятини доимий асосда амалга оширадиган Кенгаш раисининг ўринбосари лавозимини жорий қилиш;

Судьялар дахлсизлигини таъминлаш бўйича суд инспекцияси негизда Судьялар дахлсизлигини таъминлаш коррумпциянинг олдини олиш бўйича суд инспекциясини тузиш;

Судьялар касбий тайёргарлигини ташкиллаштириш шўъбасини тугатиш;

Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш шўъбаси негизда матбуот хизмати ва биринчи бўлим, шунингдек, ижро аппарати негизда ахборот-таҳлил, мурожаатлар билан ишлаш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш тузилмалари ҳамда архив ва девонхона ташкил этиш;

Кенгашга келиб тушаётган шикоятларни умумлашга таҳлил қилиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида судьялар малака хайъатлари билан биргаликда аниқ чоралар белгилаш вазифасини юқлаш;

Судьяларнинг одил судловни амалга оширишдаги фаолиятини рағбатлантиришни йўлга қўйиш, “Ибратли судья” мукофотини, одил судловни амалга оширишда узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб пенсияга чиққан судьялар учун “Суд фахрийси” кўкрак нишонини жорий этиш;

Кенгаш ҳузурида амалдаги моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаш бўйича тасвибий характерга эга бўлган маслаҳатлар ҳамда судьяларнинг одоб-ахлоқ қоидаларини муайян вазиятларда қўлланилиши юзасидан сўровларга тушунтиришлар бериш вазифасига эга бўлган жамоатчилик асосида фаолият юритувчи Судьялар клубини (кейинги ўринларда — Клуб) ташкил этиш.

Белгилансинки, Клуб ўз фаолиятини Кенгаш томонидан тасдиқланадиган Низом асосида амалга оширади ва унинг доимий масъул аъзолари таркиби кўп йиллик иш таърибасига, чуқур билим ва юксак обрў-эътиборга эга бўлган амалдаги ва фахрий судьялар орасидан шакллантирилади.

5. Кенгаш (Х.Б.Ўдгоров) бир ой муддатда:

Судьялар ассоциацияси (У.Қ.Мингбоев) ва Олий суд (К.Ф.Камилов) билан биргаликда Клуб ташкил этилиши ва фаолиятини бошлаши бўйича чоралар кўрсин;

“Ибратли судья” мукофоти ҳамда “Суд фахрийси” кўкрак нишони билан тақдир-

лаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқласин.

6. Кенгаш раисининг доимий асосда фаолият юритувчи ўринбосари лавозимини жорий этилиши муносабати билан Судьялар олий мактабининг Илмий ва ахборот-таҳлилий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозими тугатилсин.

7. Кенгаш ҳузурида судьялар ҳамжамияти органи бўлган ва ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширадиган судьяликка номзодларнинг Судьялар олий мактабига кириш ва яқунлаш имтиҳонлари натижаларидан норози бўлиб берган мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича имтиҳон комиссияси тузилсин ҳамда унинг қарорлари устидан Кенгашга шикоят қилиш тартиби белгилансин.

8. Қуйидагилар:

Суд ҳокимияти мустақиллигини янада кучайтириш, судьялар дахлсизлигини таъминлаш ҳамда тизимда коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ;

Судьялар олий кенгашининг янги тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Кенгашда ташкил этиладиган янги тузилмалар ва лавозимларнинг шакллантирилиши Кенгаш тузилмасини мақбуллаштириш натижасида бўлаётган 4 та штат бирликлари ҳисобидан амалга оширилади.

9. Кенгаш (Х.Б.Ўдгоров) Олий суд (К.Ф.Камилов) ва Судьялар ассоциацияси (У.Қ.Мингбоев) билан биргаликда бир ой муддатда мазкур Фармоннинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ҳамда суд органлари тизимида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш масалаларида ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, судьялар ва суд аппарати ходимларида коррупцияга нисбатан мурасасизлик имунитетини шакллантириш борасида комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин.

10. Кенгаш манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда кўнун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақлифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига раҳбари З.Ш.Низомидинов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.Р.Иноятов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 7 декабрь

Муносабат

АДОЛАТ ШУНЧАКИ АЙТИЛАДИГАН
ОДДИЙ СЎЗ ЭМАС



Холмўмин ЁДГОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши
раиси

Дарҳақиқат, адолат шунчаки айтиладиган оддий сўз эмас. Адолат жамиятчилик мувозанатда тутиб турувчи, инсон қадрини белгилувчи ва тараққиётга элтувчи таянч нуқта ҳисобланади. Шу боис, кишилик жамиятида ҳамisha адолат тушунчаси унинг бош тамойили бўлиб келган. Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган тарихий ислохотлар замирида ҳам жамиятда адолатни қарор топтиришдек улуг мақсад ётибди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган сана арафасида Президентимиз имзолаган “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон мазмун-моҳиятига кўра, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг изчил давоми бўлди. Фармон билан суд тизимининг олдида турган иккита энг долзарб масала, яъни судлар мустақиллиги ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш каби кечиктириб бўлмайдиган муаммолар ўз ечимини топи, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Фармон ҳар икки омишли бартараф этишда ҳуқуқий асос вазифасини бажаради. Чунки мазкур ҳужжатда судьялар мустақиллигини таъминлаш ва суд тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Судьяларнинг касбий малакаси, маънавияти ва масъулиятини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши алоҳида қайд этилди.

Судьялар дахлсизлигига қарши ҳаракат — одил судловга, адолатни қарор топтиришга қарши ҳаракат. Шундан келиб чиқиб, фармон судьяларнинг дахлсизлигини бузганлик

ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик ҳолатларини алоҳида кўриб чиқиш тартиби жорий этилмоқда.

Хусусан, фармонда Судьялар олий кенгаши раисининг прокуратура органларига тақдимнома киритиши ва у бир ой ичида кўриб чиқилиб, жиноят иши кўзга тутилганлиги ёки кўзга тутилганлиги ҳақида Бош прокуратурага хабар бериши тартиби белгиланди.

Шунингдек, судьяларнинг малака хайъатлари розилигисиз судьяларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга гувоҳ ёки гумондор сифатида сўроққа чақирилишига йўл қўймаслик тартибининг ўрнатилиши уларнинг дахлсизлигини таъминлашда муҳим омиш бўлиши, шубҳасиз.

Суд тизимида ички хавфсизликни таъминлаш, коррупциянинг олдини олиш бўйича махсус тузилма мавжуд бўлмагани бу иллатга қарши курашишда етарлича самара бермаганини аниқ таъриб кўрсатди.

Шундан келиб чиқиб, фармон билан Судьялар олий кенгаши тузилмасига ўзгариш киритилиб, коррупция омишларини тўлиқ бартараф этишнинг пухта ҳуқуқий механизмларини жорий қилиш мақсадида Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича алоҳида инспекция ташкил қилинмоқда. Бу эса коррупцияга оид хабарларнинг тўлиқ ҳолисона ва, энг муҳими, ўз вақтида кўриб чиқилиши таъминлайди ҳамда коррупцияга олиб келувчи омишларни тизимли таҳлил қилиш ва бартараф этиш имкониятини кенгайтиради.

Суд ҳокимиятига бўлган ишонччи янада оширишнинг иккита асосий омили мавжуд бўлиб, улар тизимни ҳалол, пок кадрлар билан тўлдириб ҳамда Кенгаш фаолиятида очиқлик ва шаффофликни амалда таъминлашдан иборат. Зотан, касбий малакаси билан маънавияти ва масъулиятини уйғун бўлган шахсина адолат тарозисини тортишга ҳақлидир.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали ҳар икки омили самарали таъминлаш мумкин. Бундан бошқа восита йўқ. Фармон талабларидан келиб чиқиб, судьяларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг электрон рейтинг жорий этилади. Шу пайтгача судьяларнинг фаолияти икки ярим йилда бир марта малака хайъати томонидан баҳолаб келинди. Бундай тартиб инсон омили таъсирини сақлаб қолиши баробарида халқаро мезонларга жавоб бермаслиги бутун ҳеч кимга сир эмас.

Шунингдек, фармонда судьялик лавозимларига номзодлар ва судьяларнинг психологик ҳолати бўйича касбга муносиблигини баҳолашга қўмақлашувчи электрон дастур жорий этиш масаласи ҳам белгиланди. Маълумки, психологик тест шахснинг руҳий ҳолатига етарлича чизги берибгина қолмасдан, унинг спиритли ичимликка ва коррупцияга мойиллигини ҳам аниқлаб бериши билан аҳамиятлидир. Бундай тартиб ривожланган мамлакатлар, хусусан, Швеция, Франция, Словения каби давлатлар суд тизимида номзодлар танлашда кенг қўлланиб келинмоқда.

Судьялар олий кенгаши фаолиятининг асосий принципларидан бири — очиқлик бўлиб, бу қонунда алоҳида белгилаб қўйилган (“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги қонун, 4-модда). Судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш, энг малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек, раҳбар судьялик лавозимларига кўрсатиш учун тавсия бериш асосида судьялар корпусини шакллантириш эса Кенгаш фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади (6-модда).

Сирасини айтганда, суд тизимига муносиб кадрларни танлаш ва тайинлашда адолат бўлсагина, судда адолат бўлади. Очиқлик ва шаффофликсиз бунга эришиш қийин. Кенгашнинг илк бор судьяликка номзодларни лавозимга тайинлашга бағишланган йиғилишлари оммавий ахборот воситалари ходимлари тақлиф этилган банд жамоатчиликнинг хабари бор.

Бу очиқлик сари дастлабки қадам бўлган эди. Эндилкида бундай ҳамкорлик бардавом бўлади. Чунки фармон талабига кўра, муносиб кадрларни танлаб олиш ҳамда судьялар танловининг очиқ ва шаффофлигини таъминлаш учун илк бор судьялик лавозимларига танлаш ва тайинлаш жараёнларини ОАВ ва интернет орқали онлайн тарзда тўғридан-тўғри ёритиб бориш тизими жорий қилиниши белгиланди.

Бугунги кунга қадар судьяларни маънавий рағбатлантириш йўлга қўйилмаган, бунинг аниқ мезонлари белгиланмаган эди. Фармонда бунга алоҳида эътибор қаратилиб, бундан ҳам ҳалол фаолият олиб бораётган судьяларни рағбатлантириш учун “Ибратли судья” мукофоти, самарали меҳнат қилиб нафақа ёшига етган ва фаолият юритаётган ҳамда нафақага чиққан судьяларнинг “Фахрий судья” кўкрак нишони билан тақдирлашни жорий этиш ҳам кўзда тутилди. Бу судьялар орасида соғлом рақобат ва ишчанлик муҳити шаклланишида катта омиш бўлиши ва одил судлов самарадорлиги ошишига хизмат қилиши табиий.

Ҳужжатнинг эътиборга молик яна бир жиҳати шундаки, Кенгаш ҳузурида ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаш бўйича тасвибий маслаҳатлар бериш ҳамда судьяларнинг одоб-ахлоқ қоидаларини муайян вазиятларда қўлланилиши юзасидан тушунтиришлар бериш вазифасига эга бўлган Судьялар клубини ташкил қилиш белгиланди. Бу каби жамоатчилик асосида фаолият юритувчи клублар бир қатор давлатларда, жумладан, Жанубий Корея ва Австрияда самарали фаолият юритмоқда.

Хулоса сифатида шунни айтиш кераки, фармонда белгиланган чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилиши одил судлов самарадорлигини ошириш, жамиятда адолат тамойилларини мустаҳкам қарор топтиришда муҳим самара беришига ишончимиз қомил.

ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИ ҲАМИША ЎЗ ДАВЛАТИ ВА КОНСТИТУЦИЯСИ ҲИМОЯСИДА

Ўткир ижтимоий муаммо бўлиб келаётган аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш бўйича давлат дастури доирасида фақат жорий йилнинг ўзида 13 мингдан зиёд юртдошларимизга янги уйлارнинг калити топширилди.

10 триллион сўм фондга эга бўлган Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилиб, унинг маблағлари соғлиқни сақлаш, ижтимоий инфратузилмалар, аҳоли ва қорхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Йил давомида 500 мингдан ортиқ тадбиркор ва 8 миллиондан зиёд фуқаро учун 34 триллион сўмга яқин имтиёзлар берилди, ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам ва бандликни оширишга 2,6 триллион сўм қўшимча маблағ ажратилди.

Уйма-уй юриб аҳоли муаммоларини ўрганиш натижасида 2,5 миллиондан зиёд аъзоси бўлган 590 мингдан ортиқ оилани қўллаб-қувватлаш учун 840 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Умумхалқ ҳаракати доирасида аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож тоифаларига 204 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Кейинги тўрт йилда 2 минг 600 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилиб, 2 минг 400 нафар шахс суд залидан озод қилинган, 7 та суд босқичи 3 босқичга келтирилиб, суд тизими “бир суд – бир инстанция” тамойили асосида қайта ташкил этилаётганида кўриш мумкин.

Шу йилнинг ўзида билиб-билмай жиноятга қўл урган ва ўз қилмишидан пушаймон бўлган 300 дан ортиқ шахс афв этилиб, жазони ўташ жойларидан озод қилинди, 200 нафар маҳкумининг жазо муддатлари қисқартрилди.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 28 йиллиги муносабати билан халқимизга йўллаган байрам табригидан.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулк сотиб олиш билан боғлиқ чекловлар бекор қилинган туфайли 40 мингдан ортиқ фуқаро пойтахт минтақасида сотиб олган уй-жойларини ўз номига расмийлаштириш имконига эга бўлди.

Ўтган йигирма беш йилда 482 нафар шахсга фуқаролик берилган бўлса, бугунги кунда 50 мингдан зиёд киши шу ҳуқуққа эга бўлмоқда.

Пандемия даврида 500 мингдан зиёд Ўзбекистон фуқароси юртимизга олиб келинди. Чет элларда қийин аҳволга тушиб қолган 100 мингга яқин юртдошимизга турли ёрдамлар кўрсатилди.



Интервью

Туризм ва спорт — ҳам соғлиқ, ҳам бойлик гарови

Мамлакатимизда сўнгги йилларда жамиятимизнинг бошқа соҳалари каби туризм ривожига қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли мазкур тармоқ тобора ривожланмоқда. Хусусан, фуқаролардан юртимизга виза талаб этилмайдиган мамлакатлар сони 9 тадан 86 тага етказилди, 53 та давлат учун “электрон виза” тизими жорий этилди. Туризм учун қийин бўлган жорий йилда соҳадаги субъектлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Шунингдек, бугунги кунда мамлакатимизда спорт инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолини оммавий спортга кенг жалб қилиш борасида ҳам муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз раислигида туризм ва спорт соҳаларида амалга оширилаётган ишлар ҳам-да келгуси йилдаги вазифалар муҳофазатига юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ана шу йўналишда амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди ва устувор вазифалар белгилаб берилди.



Азиз АБДУРАХИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси:

— Бугунги йиғилишда Президентимиз томонидан иккита йўналиш, яъни зиёрат туризмни ривожлантириш ҳамда спортни оммалаштириш бўйича топшириқлар берилди. Қўллаб-қувватлашнинг тажрибасини ўрганаётганимизда шунга гувоҳ бўлдикки, ҳозирги кунда бутун дунё пандемиядан кейинги даврга тайёранмоқда. Ва ана шу жараёнда зиёрат туризмнинг катта имкониятлари борлиги бўйича давлатимиз раҳбари аниқ топшириқларни берди. Ҳаммамиз яхши биламизки, Ўзбекистонда Имом Бухорий, Нақшбандий, Мотуридий, Насафий ва Термизий каби буюк боболаримизнинг бебаҳо мерослари мавжуд. Бутун ислом дунёсида ушбу меросга бўлган қизиқиш жуда катта. Ҳозирги кунда ҳам қўллаб-қўриқиб туризм компаниялари томонидан Ўзбекистонга бевосита катта эътибор қаратилаётгани бизнинг ютуғимиздир.

Сайёҳлар учун замонавий транспорт логистика тизимини яратиш, янги йўналишлар бўйича авиарейслар ташкил этиш ва авиасоҳатлар учун қулай шартларни белгилаш бўйича ҳам муҳим топшириқлар берилди. Шунингдек, юртимизда мавжуд зиёратгоҳлар ва буюк аждодларимиз мақбараларини

зиёрат қилиш учун керакли шароитларни яратиш нуктаи назаридан ҳам тегишли инфратузилмани бойитиш борасида давлатимиз раҳбари томонидан муҳим вазифалар белгиланди. 2021 йилда ҳам туркомпанияларга ҳозирги кунда мавжуд бўлган барча имкониятларни ва имтиёзларни узайтириш ҳақида аниқ топшириқлар берилгани туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш борасидаги катта чорадир.

Ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз, пандемия даврида ортиқча вазнга эга ёки сурункали касалликлари бўлган фуқароларимизда хасталик оғир кечмоқда. Шу боис, ҳозирги кунда халқимиз саломатлигини тиклаш ва умуман олганда касалликка чалиниш даражасини камайтириш, соғлом турмуш тарзини ҳар бир фуқаромизга етказиш бўйича фармон қабул қилинган эди. Ушбу фармонда белгиланган вазифаларни ижро этиш нуктаи назаридан ҳар бир ҳудудга, ҳар бир туманга ва меҳнат жамоасига етиб бориш тўғрисида ҳам тизим яратилмоқда. Яъни, бу дегани ҳар бир ҳамоадада спорт етакчиси фаолияти йўлга қўйилади. Уларга йил давомида тегишли спорт тадбирларини ташкил этиш, ҳар бир фуқарони оммавий спортга, соғлом турмуш тарзига жалб қилиш нуктаи назаридан вазифалар белгиланади. Спорт етакчиларига 20 фоиз устама ҳақ тўланади. Йиғилишда айни жараён ҳақида ҳам батафсил тўхталиб ўтилди.

Фармонга қўра, ҳар бир меҳнат жамоаси ўзининг спорт тақвимига эга бўлади. Шунинг билан бирга, нафақат меҳнат жамоасида, балки ҳар бир оилада спорт билан шугулланиш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилади. Маҳаллада велоспорт, юриш, бадминтон каби оммавий спорт турлари билан шугулланиш учун шароитлар яратиб берилди. Яна бир муҳим йўналиш — мавжуд ёпиқ спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш борасидаги муаммолар ҳам ҳал этилади. Одамлар бўш вақтларида маҳалладаги спорт туграқларида ўзи қизиққан спорт тури билан бемалол шугулланиш имконига эга бўлади.



Улуғбек РЎЗИҚУЛОВ,
Ўзбекистоннинг Индонезиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— Ҳозирги кунда пандемия чекловларига қарамай дунёда сайёҳликка, айниқса, зиёрат туризмга эҳтиёж катта. Хусусан, ислом давлатларида сайёҳликнинг бу турига қизиқиш юқори. Мамлакатимизда эса зиёрат туризми бўйича жуда катта салоҳият бор. Бу имкониятимизни хорижда тарғиб этиш туризм ривожига хизмат қилади. Шу мақсадда чартер рейсларни ташкил этиш, Умра зиёратига борган хорижликлар, жумладан, индонезиялик зиёратчилар ўртасида Ўзбекистоннинг салоҳиятини тарғиб этиш борасида иш олиб бораемиз.

Шу билан бирга, мамлакатимизда сайёҳлар ташриф буюриши учун қулай шароитлар яратиш ҳам алоҳида эътиборда. Бу борада нафақат Тошкент шаҳрига, балки Самарқанд, Бухоро ва бошқа ҳудудларга ҳам қатъан йўналишларини қўлайитириш чоралари қўрилмоқда.

Ҳозирги кунда бу борада тегишли механизм яратилди. Республика комиссияси билан доимий мулоқот олиб бормоқдамиз. Хорижлик сайёҳларнинг Ўзбекистонга келиши, мамлакат ичида ҳаракатланиши, авиа ва темир йўл қатновларини ташкил этиш борасида зарур шароитлар яратилмоқда.

Видеоселектор йиғилишида Президентимиз бу борадаги ишларни тақомиллаштириш, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти, жумладан, зиёрат туризми имкониятидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ муҳим топшириқлар берди. Бу вазифаларни ўз вақтида бажариш учун барча чораларни қўришимиз, ҳисоб-китоб қилиш, 2021 йилда амалга оширилаётган асосий ишларни белгилаб олмоқдамиз.

10 декабрь — Халқаро инсон ҳуқуқлари куни

ИНСОНИАТ ОИЛАСИНИНГ АЖРАЛМАС ҲУҚУҚЛАРИ



Улуғбек МУҲАММАДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 1-моддаси шундай дэлар билан бошланади: “Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилдилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган, бинобарин бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак”.

Мазкур Декларация инсон ҳуқуқлари соҳасидаги энг муҳим халқаро ҳужжатдир. Демократик давлат, инсон ҳуқуқларига асосланган жамият барпо этиш йўлидан бораётган барча мамлакатлар ўз конституцияларини, миллий қонунларини ушбу ҳужжатга мослашга интилади. Шу маънода, Декларацияда белгиланган қонунларнинг мамлакатимиз Конституцияси ва миллий қонунчилигимизда ҳам уйғунлашгани давлатимизнинг инсонпарварлик сийосатининг муҳим қўлсидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда халқ билан мулоқот қилиш давлат ва жамият фаолиятининг устувор механизми этиб белгиланди. Фуқароларга давлат идораларига мурожаат қилишда қулайликлар яратилди. Президентнинг Халқ қабулхоналари ишга тушди, ҳар бир ташкилот фуқароларни қабул қилиш ва уларга қулоқ солишни ўрганди. Муаммолар таҳлил қилинган, амалий чораларга ўтиляпти. Қонунлар, қарор ва фармонлар, йўл хариталари тасдиқланиб, ижроси назорат қилинмоқда.

БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталари, инсон ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачилар институти билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Мамлакатимизга БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги ҳамда Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачилари ташриф буюрди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 73-сессиясида Ўзбекистоннинг ташаббуси билан “Маърифат ва диний бағрикенглик” тўғрисидаги резолюция қабул қилинди. Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича форум бўлиб ўтди ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд декларацияси қабул қилинди, бу борада парламентда алоҳида “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Афв этиш ва жамоат бирлашмаларининг каффиллиги остида шахсларни жазодан озод қилишнинг мулкано янги тизими жорий этилиши, Жаслиқ қўрғонига жойлашган жазони ижро этиш колониясининг ёпилиши, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳкумлар сонининг 2,5 бараварга камайиши инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш соҳасида муҳим қадам бўлди.

Мамлакатимизда болалар меҳнати тўлиқ бартараф этилиб, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил фаолияти йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил лавозими жорий этилди. Шунингдек, гендер тенгликни таъминлаш борасида ҳам муҳим қадамлар қўйилди.

Эллик мингга яқин юртдошларимизнинг фуқаролиги ҳал этилиб, прописка тизимидан хабар бериш ҳусусиятидаги рўйхатдан ўтказиш тизими жорий этилди.

Энг муҳими, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларининг энг асосий қўрсаткичи бўлган сўз эркинлиги қарор топди. Биз иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги ислохотларга тўхталмадик, уларни санаб адоғига етолмайсиз. Ваҳоланки, бу соҳалардаги ўзгаришлар ҳам инсон манфаатлари ҳамда ҳуқуқлари билан узвий боғлиқ.

Яна бир муҳим янгиллик, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси” тасдиқланиши мамлакат ҳаётидаги муҳим воқеа бўлди. Мазкур ҳужжат билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ва унинг “Йўл харитаси”, қоплаверса, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ҳамда шартномавий қўмиталари хабарномалари ва қарорларини қўриб чиқиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ўзaro ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқланди. Фармонга қўра, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар нормалари талабларини бажариш юзасидан маъсۇл давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб берилмоқда.

Миллий стратегияда 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш макссадларига эришишида парламент ва фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини

инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга мувофиқлаштириш каби устувор вазифалар белгиланган.

Хусусан, Стратегияни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”да бир қатор кодекслар ва қонун лойиҳаларининг ишлаб чиқилиши режалаштирилган. Фармонга асосан, Олий Мажлис ҳузурида Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларга риоя этилиши бўйича парламент комиссияси тузилди ва ўз фаолиятини бошлади.

Жорий йилнинг октябрь ойида эса мамлакатимиз миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий органларидан бири бўлган Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзо этиб сайланди. Бу ҳам Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни таъминлаётганлигининг халқаро эътирофидир.

Энг муҳими, ушбу ижобий ўзгаришлар нафақат халқимиз, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам юқори баҳоланаётди. Қуни кеча АҚШ Давлат департаменти расмий баёнот бериб, Ўзбекистон диний эркинлик бўйича “Махсус кузатувдаги давлатлар рўйхати”дан (Special Watch List) чиқарилганини эълон қилди. Хусусан, АҚШ Давлат котиби Майкл Помпео мамлакатимиз эътиқод эркинлигини таъминлаш соҳасида улкан ўсишга эришганини эътироф этди. Ўзбекистон эндиликда дин эркинлиги тўлиқ таъминланадиган мамлакат сифатида баҳоланади. Албатта, халқаро қўламадаги бундай ютуқлар сўнгги йилларда юртимизда инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилаётган муҳим ишларнинг самарасидир.

Маълумки, сўнгги йилларда Ўзбекистон экстремизмга қарши курашиш чора-тадбирларини амалга оширишдаги ёндашувларини концептуал жиҳатдан қайта қўриб чиқди. Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳларга адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод қилиш тартиби тасдиқланди. Турғи йўлдан адашган ва қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган фуқароларга ўз оилаларига қайтиш имконияти берилди.

Диний экстремистик оқимларга алоқадор шахсларни реабилитация қилишининг муҳим қадамларидан бири, бу уларга нисбатан афв этиш ақтларининг қўллангани бўлди. Қуни кеча давлатимиз раҳбарининг “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармони эълон қилинди. Унга мувофиқ, 104 нафар шахс озодликка чиқарилди. Уларнинг 21 нафари тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар эди.

Яна бир муҳим ташаббус — Ўзбекистон “Меҳр” номли инсонпарварлик тадбирининг учинчи босқичини амалга оширди. Қуни кеча Суриянинг жанговар ҳаракатлар давом этаяётган қисмидан жами 98 юртдошимиз — 25 аёл ва 73 бола (уларнинг 14 нафари чин етим) Ватанимизга қайтарилди. 2019 йилда ҳам ушбу операция доирасида Сурия ва Ироқ давлатларидан жами 220 юртдошимиз — аёллар ва болалар олиб келинган эди. Мусофирликдан қайтариларнинг барчаси, соғлом, тинч ҳаётга қайтарилиб, тўлақонли мослашуви учун зарур шарт-шароит яратилмоқда.

Яқунлини бораётган 2020 йилни шарҳисоб қилар эканмиз, пандемия сабаб қўллаб оилалар иқтисодий инқирозни бошдан кечирганини айтиб ўтиш жоиз. Турғи, бундай синобли пайтларда ҳеч кимга осон бўлмади, лекин шунга қарамай халқимиз бирлаша олди, ўзидан ортибди муҳтож инсонларга ҳам ёрдам қилини чўзди. Албатта, ҳукумат томонидан қўрилган COVID-19 пандемияси таъсирига қарши тезкор чора-тадбирлар халқимизнинг оғирини енгли қилди.

Жорий йилнинг 11 ойи давомида Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) 13 мингдан ортиқ мурожаат бўлди. Фуқаролар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда йилдан-йилга фаоллашиб борапти. Мурожаатларни ўрганиш жараёнида бино-иншооти бузилиб, ер устаси олиб қўйилган, ойлик иш ҳақларини воқеа етмаган фарзандларининг таъминоти учун алимент ундиролмаётган қўллаб-қувватлаш ҳуқуқига ва амалий ёрдам кўрсатилди.

Омбудсман ҳузурида ташкил этилган Миллий превентив механизм доирасида фаолият олиб боруви қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайринсоний ёки қадр-қимматни камситуви муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш бўйича эксперт гуруҳи томонидан жазони ижро этиш муассасаларига 70 дан ортиқ мониторинг ташрифлари амалга оширилди. Мониторинг давомида 4 мингга яқин маҳкум билан жамоавий ва 534 маҳкум билан яқин тартибда суҳбат ўтказилди. Албатта, бу чора-тадбирлар, аввало, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоялаш, ҳар бир инсоннинг қонунчилик билан қафолатланган ҳақ-ҳуққини таъминлаш, инсон қадр-қиммати-ни эъзозлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган бундай хайрли ишларни амалга ошириш ҳар ҳафтада давом этмоқда. Табиийки, зулмига йўғрилган бу сайёр-харакатлар олдимизга қўйган улкан макссадларга эришишда, мамлакатимиз тараққиётини юксалтириш, халқимизнинг розилигини олишда қўтилган натижаларни беради.

Зеро, Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 28 йиллигига бағишланган байрам табригинда таъкидлагандек, “Бир ҳақиқат ҳаммамизга аён бўлиши керак: барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларимиз қатори жамиятимизда очкичлик ва ошқоралик, ўзини ўзи танқид ва демократик янгилашни жараёнлари энди ҳеч қачон ортага қайтмайди ва биз бу йўлни қатъий давом эттирамиз”.

ЭЛПАРВАРЛИКНИНГ ЯНА БИР ИФОДАСИ

МЕҲР-3



Бошланиш 1-бетда

Бу галги тадбир Конституциямиз қабул қилинган кунга тўғри келишига чуқур рамзий маъно бор. Зеро, бу Президентимизнинг байрам табригидаги “Ўзбекистон фуқаролари ҳаммиса ўз давлати ва Конституцияси ҳимоясида бўлди ва биз бу таъомилни бундан буён ҳам қатъий амалга оширамиз”, деган сўзларнинг амалдаги ифодаси бўлди.

Дарҳақиқат, халқимиз табиятан самимий ва тийнати пок элдир. Ўзбекистон давлати, меҳр-оқибатли халқимиз ҳар қандай ҳолатда ҳам фарзандларини ўз ҳимоясига олиб, қўлидан тутиб қолишга қодир. Яъни давлатимиз қўролчи тўқнашувлар давом этаётган ҳудудларга ота-онанинг хатоси туфайли бори қолган беғуноҳ болаларни бундай қийин вазиятларга ёлғиз ташлаб қўймайди.

Мўқаддас динимизда аёллар ва ёш болаларга меҳр-оқибат кўрсатиш тарғиб этилган. Ҳазрати Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилиб айтганлар: “Кичикларимизга раҳм-шафқат қилмаган ва катталаримиз қадрини билмаганлар бизлардан эмасдир” (Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти).

Шунингдек, жабру ситам кўрган инсонларга мамнунлик бахш этиш ҳам савобли амал экани таъкидланган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ҳадисларида: “Аллоҳ таолога фарзлардан кейинги энг севимли амал мусулмоннинг қалбига хурсандлик киргизидир”, деганлар.

Демакки, бундай жабру ситам кўрган аёллар ва жабрдийда ёш болаларни оловли минтақалардан халос этиб, уларнинг вайрон бўлган кўнглиларини шод этиш, дилларига

хурсандчилик улашиш дини мубинимиз нуктаи назаридан энг савобли улуғ амаллардан эканига шубҳа йўқ.

Инсон манфаатлари йўлидаги элпарвар сийосатнинг яна бир амалий ифодаси — давлатимиз раҳбарининг Конституциямиз қабул қилинган 28 йиллиги муносабати билан “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармони бўлди. Унга қўра, афв этилганларнинг 13 нафарини чет эл фуқаролари, 9 нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, 1 нафарини аёл ҳамда 21 нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Дарҳақиқат, қилиб-билмай жиноят содир этган, танлаган йўли хато эканини англаб, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига ўтган маҳкумларнинг давлатимиз раҳбари томонидан афв этилаётгани ҳақиқий олижаноблик намунаси бўлмоқда.

Мамлакатимизда афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шугулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиши, жамиятда муносиб ўрин топиши учун қўмақ бериш бўйича режалар ишлар олиб боришмоқда.

Бунинг самараси ўлароқ, уларнинг аксарияти ҳаётда ўз ўрнини топти, кимдир тадбиркорлик, кимдир чорвачилик ва деҳқончилик билан шугулланмоқда, яна кимлардир давлат ва жамоат ташкилотларида самарали меҳнат қилмоқда.

Республика бўйлаб қилган сафарларимиздаги мулоқотларда мана шундай фуқаролар муҳтарам Президентимизга, халқимизга ўз

миннатдорлигини билдириб, ҳалол меҳнат билан мамлакат ривожига ўз ҳиссасини қўшаётганини сўзлаб берди.

Президентимиз фармони билан афв этилган инсонлар ўз уйларига кириб борар экан, яқинлари, айниқса, фарзандлари қўлариданги чексиз қувонччи ҳеч нарсага қўслаб бўлмайди. Давлатимиз раҳбарининг афв этиш тўғрисидаги фармони қанчадан-қанча кўнглиларга шодлик, оилаларга ҳаловат ва рўшнолик улашмоқда.

Кечиримли бўлиш улкан савоб ва жаннатга кириш учун сабабдир. Бу ҳақда Пайғамбаримиз шундай деганлар: “Қиймет қуни бўлганда бир жанрч нидо қилади: “Одамларга кечиримли бўлганлар қаврда?” Парвардигорининг ҳузурига келинлар ва савобингизни олинлар! Қайси бир мусулмон кечиримли бўлса, жаннатга киришликка ҳақлидир” (Имом Ибн Мурадвайх ривояти).

Динимизда ёмонликка доимо яхшилик билан жавоб қайтариш фақат сабр-тоқатли, икки дунёда ҳам улуғ насибага эга бўладиган кишиларнинг феълидир. Билиб-билмай айб-нуқсон ва хато-камчиликларни қилган кишиларга бир имконият бериб, уларни кечиршимиз — инсонни ва мусулмонлик бурчимиз.

Бундай инсонпарварликдан Ватани бағрига етиб келган ёш болалар ҳам, элимиз ҳам гоят мамнун. Зеро, меҳр-мурувват, бағрикенглик бўлган юртда ҳаёт фазли, келажак нурафшон бўлади.

Энг муҳими, Ўзбекистоннинг қўнчилик давлатлар жама қила олмаётган бу каби инсонпарварликка, меҳр-саховат, оқибат, кечиримлик, бағрикенглик каби эзгу сифатларга йўғрилган ишлари ҳали давом этади, иншооллоҳ.

10 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН



УЛУҒ ХАЛҚ ҚУДРАТИНИНГ ТАЖАССУМИ



Ханим Йўлдошев олган сурат.

Бошланиш 1-бетда

Бу қанча тўсиқ ва камситишларга қарамай, миллатни улуғлаб келган, шу боисдан ҳам Ватанга бахшида шеърлари мустабид тузум давридаёқ халқимиз мадҳиясига айланб кетган Абдулла Ориповнинг армонлари ушатилади. Аслида халқнинг армон ва орзулари миллат зиёлилари, чинакам санъатқору шоирлари қалбида муҳасам бўлади.

Бугун Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Президентимиз бошчилигидаги янгиланишлар тўғрисида нафақат иқтисодий тараққиёт, маънавий тараққиёт сари ҳам қадам ташланди. Миллат чин маънода ўзлигига қайтиб, ўзлигидан куч олмақда. Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш борасидаги улуғ мақсад дунёда ўзбекистон, Ўзбекистон фуқаросиман, деган ҳар бир кўнгилга уйғониш байроғини тикмоқда.

Бу кун — улуғ кун, ўзини шу муқаддас юрт фарзандидан, тақдирини она Ватаним тақдирдан айро қўролмайман, уни меҳрибон онамдай, отамдай севиб ардоқлайман, асрайман, деган ҳар бир ватандошимизнинг байрамидир. Негаки, бизнинг онамизга бўлган севиғими меҳримизда намоян бўлгандай, она Ватанга бўлган муҳаббатимиз, аввало, садоқатимизда намоян бўлади.

Янги давр Учинчи Ренессанс сари умумхалқ юришини бошлаб бермоқда. Бу ватанга фидойи, садоқатли, маърифатли халқ ва ёшларнинг улуғ мақсадлар йўлидаги қадами бўлади.

Ватанимизнинг буюк тимсоллари, давлатимиз рамзлари ҳам биз ва келажак авлод учун истиқлолдан қутлуғ нишона, бой маънавий обидадир. Маҳфия миллатни ҳамиша ўз озошлик йўли, аҳдида собит тутиб турувчи руҳий қувват манбаи ҳамдир. Шунинг учун ҳам тараққий топан дунё халқлари ўз давлатининг мадҳиясини нафақат шодон ва мунаввар кунларида, ҳатто энг заҳматли ва синовли онларида ҳам тик туриб мардона куйлайди. У миллатни, халқни бирлаштирадиган, юксалтирадиган, энгилмас кучга, юксак ирода ва қатъият, жасорат тиссолига айланган оладиган қўшиқдир. У озошлик рамзи, унга катта эҳтиром билан қараш ҳар бир юртдошимизнинг ватанпарварлик бурчидир. Ҳар қандай шараф йўли эса аввало, бурчни англашдан, бурнга садоқат ва содиқликдан бошланади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Ватан мадҳияси юксак қалб эҳтироми билан айтылади. Унинг сўзларини алмаштириш, бузиб айтиш, ҳазил-мазах оҳангидеги тилга олмақ Ватаним, миллатни ҳақоратламоққа тенг.

Баъзан ижтимоий тармоқларда айрим ёш ватандошларимизнинг Давлат мадҳиясига беписанд айтган гапларини ўқиб, ўйланиб қоламиз. Наҳотки, шулар ўзбек фарзанди?! Ахир, алласиз онани севиб бўлмагандай, мадҳиясиз ҳам Ватаним севиб бўлмайди-ку! Кимдир "мактабда болаларга Давлат мадҳиясини мажбурлаб айттираётган эмми", деб ёзибди. Бунинг учун Халқ таълими вазирлиги, муаллимларни айблабди. У ёш дўстимиз бу сўзлари билан ўз фарзанди қалбиде давлат, унинг озошлиги тиссолига ҳурмат ҳиссини тарбиялаётган она Ўзбекистонга, истиқлол деб нафақат қон тўқкан, бу кунлар учун жонини берган аждодлари, жадид болалари руҳига ҳурматсизлик қилаётганини англай олдимикан? Сўзлари моҳиятида "Ватаним севама, уни улуғлама!" деган даъват борлигини ҳис қилдимикан?

Ватансизлик, ватан ичра Ватаним англамаслик ўзини шу юрт фарзандидан деган инсон учун оғир гуноҳ эмасми?! Бу Ватанга бўлган чекисиз муҳаббати, садоқати, мардлиги, жасорати

билан миллат байроғи ва мадҳияси даражасига кўтарилган Нажмиддин Кубро, Жалололдин Мангуберди, Амир Темур руҳига ҳурматсизлик эмасми?

Нима учун давлатимиз раҳбари иштирок этган олий даражадаги учрашувларда, юртимиз вакиллари қатнашадиган халқаро миқёсдаги сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий йўналишдаги нуфузли анжуманлар, спорт мусобақаларида давлатимиз байроғи билан кўтарилиб, мадҳиямизнинг тантанавор оҳанги таралганда қалбларимиз фахру ифтихорга тўлади?! Негаки, мазкур эътибор 130 дан зиёд миллат ва элат ҳамжиҳатлигида яқдиллик билан меҳр боғини яратган боғбон эл ҳақидаги эътирофномадир.

Маҳфия миллатнинг улуғвор туғи, миллий гоёси каби эзгу нияту дуолари, юксак орзу-мақсад ва муддаолари ифода этилган қалб қўшиғи, уйғонши, юксалиш алёридир. У миллионлаб қалбларга тушган ва миллионлаб қалблардан таралган нурдир. У ифтихор, гурур, ор-номус, азму шижоат ифодасидир. Унда тарих жам, миллий ўзлик ва ифтихор, мардлик ва қатъият муҳасам. У ўзбекистонликман деган ҳар бир қалбда тўхтовсиз ўсаётган тоғ, тўхтовсиз ўсаётган боғдир. Унинг ҳар бир сатри муқаддас тупроғимизнинг ҳар бир заррасидан куч, руҳ шижоат олади. У — эрк, озошлик, эрксевар халқ қўшиғи. Ҳар тонгда қўш уфқдан бош кўтарайтган пайтда қалбларимиздан қўш бўлиб кўкка юксалади.

**"Серкўёш, хур ўлкам,
элга бахт, нажот..."**

У Ҳақ томонидан офтоб, нур ила сийланган халққа бахт-нажот берган ўлка — Ўзбекистон деб аталмиш, илдилари неча минг-минг йилларга бориб туташган Ватан ҳақидаги мангу баёт.

**"Сен ўзинг дўстларга йўлдош,
меҳрибон..."**

У, аввало, Ҳақни, оламни, башариятни ўзинга дўст деб билган, меҳри ўзидан улуғ ўзини ихтиёрномасидир.

**"Яшнагай то абад илму фан,
ижод..."**

У азалдан абад қадар илму маърифат қарвонлари тиним билмайдиган, ижод олами ёруғ нур сочиб турган мангу яшил бўстон Ўзбекистон ҳақидаги саодатномадир.

**"Шухратинг порласин
токи бор жаҳон..."**

У ўз шухрати билан жаҳон ичра жаҳоний юксаклик топан диёр ҳақидаги, миллий давлатчилик, илму заковат ботида аждодлари оламни маҳлиё этган, эзгуликка мударрислик қилган маърифатли халқ ҳақидаги муаззам жаҳонномадир.

**"Олтин бу водийлар — жон
Ўзбекистон..."**

У тупроғи зар, водийлари олтиндан-да бебаҳо, ҳар бир гиёҳи жонга малҳам, оламларга жон бўлгулик эл ҳақидаги мадҳномадир.

**"Аждодлар мардона руҳи
сенга ёр..."**

У Широғу Тўмарис, Спитамену Маҳмуд Торобий, Жалололдин Мангубердию

Темур Малик, Амир Темур темурийлар, бобурийлар каби мардона аждодлари руҳи ҳар қадамда буюкликдан сўйлаётган шухратли эл ҳақидаги шижоатномадир.

**"Улуғ халқ қудрати
жўш урган замон..."**

У бугун кўлида мустақиллик яловини баланд кўтариб шижоатли раҳнамози бошчилигида тараққиётнинг янги даврига қадам қўйган, "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" дадил ва қатъият билан одимлаб бораётган, кўксиде тоғлар яралаётган улуғ халқ қудрати, бунёдкорлиги, илму ижоди жўш ураётган, дунё эҳтиром этаётган давлат ҳақидаги боқий шижоатномадир.

**"Оламни маҳлиё
айлаган диёр..."**

У азму шижоати, шиддати, билан оламни маҳлиё айлаётган, олам эътироф этаётган янги Уйғонши даврига қадам қўйган миллат ҳақидаги шаҳодатномадир.

**"Бағри кенг Ўзбекининг
ўчмас имони..."**

У қалби имон-ирфон қўшиғига уфқу осмон бўлган Бухорийлар, Кубролар, Термизийлар, Нақшбандийлар камол топан, бағридаги 130 дан зиёд миллат ва элат ҳамжиҳатлигида яқдиллик билан меҳр боғини яратган боғбон эл ҳақидаги эътирофномадир.

**"Эркин, ёш авлодлар
сенга зўр қанот..."**

У ҳар бир фарзанди қалбиде Ибн Синолар, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоийлар шивирлаб турган, бугун улуғ Ватан қанот бахш этиб, янги Уйғонши даври сари йўллаётган эл жиғарбандлари орзулари ҳақидаги умидномадир.

**"Истиқлол машъали,
тинчлик посбони..."**

У ҳар сўзини тинчлик ҳақидаги ният билан бошлаб, тинчлик ҳақидаги тилак билан якунлайдиган, тоғдан оқшом қадар одаму оламга тинчлик тилайдиган, эзгуликка посбон, жажолат оловини маърифат найсонлари билан ўчиррадиган қалби уйғоқ миллатга бахшномадир.

**"Ҳақсевар, она юрт,
мангу бўл обод..."**

У бунёду яратиғи, адлу инсофу шукронаси билан Ҳақни севаган, Ҳаққада сеvimли бўлган, мангулик оламидеги одамий эл ҳақидаги асл таърифномадир.

Эл ва Ҳақ муҳаббатига қовушган устозлар Абдулла Орипову Мутал Бурҳонов бу заминдаги тоғларнинг улуғворлигиндан, беқиёс неъмат тутаётган замин меҳру саховатидан, Аму ва Сир дарёларининг туғёли тўлкинларидан, ҳар заррасида қўш уйнаган Қизилқум шивирлига қўлоқ тутиб, буюк аждодлари нияту мақсудларини дилга кўчириб, она замин нафаси ила ёзилган бахтномадир.

Бу бизнинг қўшигимиз! Бу сизнинг қўшигингиз! Бу ҳаммамизнинг қўшигимиздир!

Бу Ватан деб ураётган юраклар қўшиғи, бу овози Ўзбекистон бўлиб янграётган бунёдкор элнинг қўшиғидир!

Бу ўзи ҳар жойда бўлса-да, жон ришталари билан шу муқаддас заминга боғланган дунёдаги 50 миллиондан ортиқ ватандошимизнинг қўшиғидир!

Шуқри, ҳар тонгни осуда осмон остида мадҳиямиз садолари билан қарши оламиз. Қалбимизда янги кунга, истиқлолга ва бугунги тинч-осойишта ҳаётимизга шукроналик, келажакка қатъий ишонч туйғуси жўш уради.

Мамлакатимиздаги янги давр руҳи тўғрисида давлат рамзлари, миллий қадриятларимизга бўлган эътибор ва эҳтиром ҳам янги босқичга кўтарилмоқда. Миллий уйғониш қалбдан бошланганидек, миллий юксалиш ҳам қалбдан бошланади. Бу улуғвор қўшиқ бугун бизни улуғ ишларга йўллаётди. Неча асрлар оша шарафли ҳаёт йўлини босиб келаётган мўстабар эрксевар халқимизнинг мангу озошлик ва ободлик қасидаси, тинчлик қўшиғи олам узра мангу жаранг сочаверсин!

ЎЗБЕКНИНГ БАХТ ВА ТИНЧЛИК КҮЙИ, ЭНГ ТАНТАНАВОР ҚЎШИҒИ



**Рустам АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон
композиторлари ва
бастакорлари уюшмаси
раиси,
санъат арбоби, профессор**

Ҳар тонгни энг буюк қўшиғимиз — мадҳиямиз билан кўтиб оламиз. Унинг ҳар саҳар баралла янграши янги кунимизнинг хайрли, тинчлик-омонлик билан бошлангани демек. Яна шу муқаддас қўшиқ билан кунни якунлаш ҳам бугунимизнинг осуда ниҳоят топангига ишора. Ҳар кунни шу такрор бўляптими, демек, биз хотиржаммиз, бахтиёримиз.

Ана шу тинчлигимиз, бахтимиз қўшиғини яратиш жуда қизгин ва ҳаяжонли кечгани боис, мадҳиямизни ҳар гал тинглаганимда у билан боғлиқ мураккаб ва масъулиятли жараёнлар кўз олдимда гавдаланаверади...

Мамлакатимиз мадҳиясини ёзиш учун танлов эълон қилинди. Кўплаб шоирлар, бастакорлар унда қатнашиш истаги билан ижодий жараёнга киришди. Ҳатто баъзи хонандалар

мадҳия яратиш устида иш олиб борган. Вилоятлардан ҳам танловда қатнашиш истагини билдирганлар кўп бўлгани боис, саксонга яқин мадҳия куйи дунёга келди. Уларни саралаш ва энг асосийсини танлаб олиш учун Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодиров бошчилигида комиссия тузилди. Саралаш босқичи Бастакорлар уюшмаси залида бўлиб ўтди. Биронта муаллиф комиссия ҳузурига яқинлаштирилмаган, саралаш ишларига аралашмаган. Ижод намуналарининг ҳар бири гоёат синчковлик билан, жиддий қўриб чиқилган бу босқичда қирққа яқин мадҳия матнлари саралаб олинган. Уларнинг 27 таси 1-босқичга ўтди. Ундан-дан машаққатли бўлган 2- ва 3-босқичлардан муваффақиятли ўтган 3 та мадҳия финал босқичига муносиб кўрилди. Булар — Мутал (Мутаваккил) Бурҳонов ва Абдулла Орипов муаллифлигидаги мадҳия, Бахтиёр Алиев ва Абдулла Орипов мадҳияси ҳамда мен билан Мирпўлат Мирзо ҳамкорлигидаги мадҳиялар эди. Финал босқичига ўтган мана шу учта мадҳия радиоканаллар, ойнаи жаҳон орқали қарийб бир ой давомида халқимиз ҳўкмига ҳавола этилди.

Мақсад — кенг омма қайси мадҳияни танлаш борасидаги фикр-мулоҳазасини билдириши ва танловнинг шафқат бўлиши эди. Халқдан жуда кўп овозлар, таклифлар келиб тушган, албатта. Ниҳоят, 1992 йилнинг 10 декабрь кунини депутатлар, ҳўкумат аъзолари, давлат идоралари раҳбарларидан иборат 400 дан зиёд киши йиғилган Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессиясида мадҳиялар бирин-кетин эшитирилади бошланди. Дастлаб Бахтиёр Алиев ва Абдулла Орипов ҳамкорлигида яратилган мадҳия янгради. Кейин биз яратган мадҳия варианты ижро этилди. Энг сўнг Мутал Бурҳонов ва Абдулла ака муаллифлигидаги ҳозирги мадҳиямиз янгради. Биринчи ва иккинчи мадҳияни ўзига ҳос олишлаган депутатлар учинчи мадҳияни тинглаб бўлган, бинони гулдурос қарсақларга тўлдириб юборди.

Ёпиқ овоз бериш орқали мадҳияларимиз ўз ўринларини эгаллади. 3-ўрин Бахтиёр Алиевнинг Абдулла Орипов сўзларига ёзган мадҳияга, 2-ўрин менинг Мирпўлат Мирзо сўзларига ёзган мадҳияга ва биринчи ўрин Мутал Бурҳоновнинг Абдулла Орипов шеърига ёзган мадҳиясига берилди.

Албатта, бу мадҳия мана шундай олқишга, ўзгача кўтиб олинишга муносиб эди. Негаки, унда ҳар иккиси ўз ишининг моҳир усталари бўлган муаллифларнинг улкан салоҳияти акс этган. Куйининг бошланишидан оқ вужудларни қўғаб оладиган тантанаворлик охирига қадар қалбларни жунбушга келтириши билан бетакрор эди. Юртимизга хос барча гўзаллик, барча улуғворлик, барча буюклик муҳасам бўлган унда.

Уша кунни ҳар учала мадҳия ижодкорлари ёнма-ён ўтирган эдик. Тарихий кундаги кучли ҳаяжон, қарсақлар садолари ҳеч ёдимдан чикмайди. Биз, муаллифлар бир-биримизни дўстона кўчиб, музаффар ғалаба билан қўтладик. Чунки 80 га яқин ижодкорлар орасидан танлаб олинишнинг ўзи катта бахт эди.

Давлат мадҳиясини яратишдек энг буюк ва ўта масъулиятли, шарафли ишга бош қўйиш, энг олий танловда қатнашиш учун ҳам инсон ватанпарвар бўлмоғи лозим. Абдулла Ориповнинг Ватан ҳақидаги шеърлари, "Ўзбекистон" қасидаси, Мутал аканинг юрт ҳақидаги тантанавор куйи ва қўшиқлари, умуман, ҳар икки ижодкорнинг юртини мадҳ этиш борасида яратган барча ижод намуналари ўзига хос мафтункор ва мукамал эди. Уларнинг кўп йиллик ижодий фаолиятлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини яратишга мезон яратган эди.

Бугун сеvimли мадҳиямиз муаллифлари орамизда йўқ. Лекин улар ана шу буюк қўшиғимиз билан буюклигича қалбимизда яшайди. Мен ҳам улар билан ҳамнафас бўлганим, Ватаним мадҳ эта олишдек эзгу ишда иштирок этганимдан ниҳоятда бахтиёрман. Мадҳиямиз мангу яшасин!

Ҳар гал мусобақаларга қатнашар эканман, жаҳон саҳнида байроғимизнинг кўтарилиши ва мадҳиямизнинг янграши менга битмас-туганмас куч беради.

МАДҲИЯ МИЛЛАТ РУҲИНИ КЎТАРАДИ



**Исроил МАДРИМОВ,
жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари ғолиби,
халқаро тоифадаги спорт устаси**

Юрт мадҳияси янграганда шунчаки қўлоқ тутмаймиз, онгу шууримизда Ватан сарҳадлари, эрк ва озошлик учун курашган аждодларимиз, ҳар қафт тупроғи беқиёс Ватанимизнинг бугунги жамоли, меҳнаткаш халқимиз жонланади, кўнгиллар ғурур ва ифтихорга тўлади.

2018 йили Индонезия пойтахти Жакарта шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинлари мусобақасида Ўзбекистон делегациясига байроқдор бўлиш масъулияти менга ишониб топширилди. Делегация байроқдори бўлишни барча орзу қилади, жумладан, мен ҳам. Бироқ бу орзуимга етман, деб ҳеч қачон ўйламаганман. Чунки байроқни олиб чиқиш терма жамоа сардори, деган маънони билдиради. Мендан ҳам яхши спортчилар — Олимпиада ва жаҳон чемпионлари бор эди. Айнан менга топширилиши эса қутлимган хушхабар бўлди.

Мазкур чемпионатда бокс бўйича 75 килограмм вазн тоифасида қатнашиб, ғалабага эришдим. Сўнгги 24 йил ичида ғолиблик шохсўпасига кўтарилган илк байроқдор сифатида менга омад қўлди боқди. Энг ҳайратланарлики, давлатимиз мадҳияси янграган экан, "Жон Ўзбекистон" деган сўз менга шундай таъсир қилдики, шу юрт фарзанди эканимдан кўнглим ифтихорга тўлди. Бу мен билан қелиб ғурурландим. Уша пайтда кўнглимдан ўтган ҳаяжонни, ифтихор туйғусини тил билан таърифлаб бера олмайман. Буни фақат бошидан ўтказган инсонгина теран англайди, менин ҳолатимни тушунади. Ғолиб бўлишим учун дуо қилаётган ота-онам, жаҳон саҳнида Ўзбекистон деган муқаддас сўзини янграши учун ишонч билдирган Президентим, бор меҳри билан бизни қўллаб-қувватлаб турган халқимиз кўз олдимда гавдаланди. Елкамдаги масъулиятни, уларнинг ишончини оқлаганимни давлатимиз мадҳияси англапти менга. Дунёда ҳис қилсақ, қувончлар, бахтли лаҳзалар кўп. Аммо уша мен туйган бахт тамоман бошқа эди.

Ҳар гал мусобақаларга қатнашар эканман, жаҳон саҳнида байроғимизнинг кўтарилиши ва мадҳиямизнинг янграши менга битмас-туганмас куч беради.

Асқад Мухтор таваллудининг 100 йиллигига


“СЕВДИМ МЕН ЗАМОНДОШ НАСЛИМНИ...”




Атоқли адиб ва шоир, драматург Асқад Мухтор ўзбек адабиёти тарихидан муносиб ўрин эгаллаган серкирра ижодкор. Адабий танқидчилар, адабиётшунослар адиб асарлари мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, унга файласуф, ўзининг “99 миниатюра” тўплами билан ўзбек шеърятига янги нафас олиб кирган новатор шоир сифатида юксак баҳо берган. Унинг серкирра фаолияти давомида “Тулистон” журнали тахририятида ўзига хос муҳаррирлик мактабини яратган ёшлар мураббийси, жаҳон адабиёти дурдоналарини ўзбек тилида жаранглатган моҳир таржимон бўлганини ҳам кенг адабиёт ахли яхши билади. У “Мардлик чўққиси”, “Яхшиликка яхшилик”, “Самандар” каби пьесалари билан драматургия ривожига катта ҳисса қўшган.

Ҳа, устоз адибдан жуда катта тажриба, насрий, назмий ва таржима асарлар, хотиралар қолди. Буларнинг бари ёшлар учун белги — излар бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз. Адиб ижоди кенг қўламда тадқиқотлар олиб боришга арзигулик.

Шуни ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, Асқад Мухторнинг сара шеърлари юксак поэзия намуналаридир. Аммо унинг шеърятини оммавийлик касб этган эмас. Бироқ бу фикрдан “шоир поэзияси яхши эмас экан”, деган хулосага келиш нотўғри бўлади. Асқад Мухторнинг сараланган шеърлари, шубҳасиз, юксак поэзия намуналаридир. Бадий асарнинг ҳақиқий баҳосини томошабин ёки ўқувчи, умуман, ҳалқ беради, деган гоё оммалашиб кетган, ҳатто аксиомалашган фикр мавжуд. Аммо унутмаслик керакки, оммавийлик бадий асарнинг чинакам баҳосини берадиган мезон эмас. Кўпчилик томонидан қандай кутуб олинганига қараб асарга катъий баҳо бериш ҳам кўпинча вульгар социализмга тортиб кетишини унутмаслик зарур. Чунончи француз ёзувчиси Ф. Стендальнинг “Қизил ва қора” романи ёзилганда қарийб етмиш-саксон йил ўтгандан кейингина қўлма-қўл ўқила бошланган. Яъни асар ёзилган даврида эмас, балки ўзга бир китобхон насли шакллангандан кейин қабул қилинган ва оммалашган. Бирок яна тақрор айтиш жоизки, бадий асарнинг ҳақиқий баҳоси унинг қай даражада оммалашгани билангина ўлчанмайди.




Айтмоқчимизки, баъзан яхши асар ёзилган даврида эмас, кейинроқ — шоирнинг фитратига, дунё қарашига яқин ўқувчилар гуруҳи шаклланганда кўпроқ ўқилиши мумкин. Ва буларнинг ҳаммаси масаланинг бир томони. Иккинчи томони шундан иборатки, шеър кўпинча ё кўпчиликлари мулжалланган содда ва анъанавий бўлганда ёки омманинг даражасидан катъий назар, шоир ўзи этиб келган мақомдан туриб, ўз кайфиятини қоғозга ноанъанавий шаклларда туширади. Яъни айрим асарлар фақат ва фақат ҳозир ўқувчи томонидангина қабул қилинади, ўқилади, ардоқланади.



Асқад Мухтор ижодига, шунингдек, шеърятига хос асосий хусусиятлардан бири айнан ноанъанавийликдир. Аммо ноанъанавийлик фақат шаклда эмас, балки Асқад Мухтор поэзияси мазмун-моҳиятининг совокун мулоҳазасида, яъни вазмин муҳокамасиго нозик донишмандлигида ҳамдир.

Албатта, адиб назм ёки насрда инқилобий ўзгаришлар ясаган эмас. Сабаби ундаги мулоҳазакорлик ва вазмин донишмандлик ҳар қандай кескин бурилишларни кўтормас эди. Шоирнинг шаклдаги янгилиги шундан иборатки, у аввало, биз кўниккан бармоқ ёки сарбаст вазмина мухторона оҳанг олиб кирди. Табиий, бу оҳангни ўқувчи бирданига қабул қилмаслиги, оҳанг ҳатто ўқувчининг гашига тегиши мумкин. Шоир буни жуда яхши билади, бироқ ўз услубидан воз кечмайди.



Асқад Мухтор шеърлари шакл жиҳатидан шундай қурилганки, улар ортиқча безаклардан, оҳанг учун қўлогидан тортиб келтирилган қўфиялардан, зўрланган турроқлиқлардан ва ҳоказо кўпгина сунъийликдан анчайин холи. Бунинг натижасида шоир шеър мазмунининг табиий ва эркин ифодаланишига эришган. Айни чоғда, шуни эслаб ўтиш жоизки, шоир шеърятини қўл ҳолларда ўқувчига бадий завок берувчи компонентларидан бири — муסיқийлики бой берган.

Мана унинг шеър ҳақида ёзган бир иқронномаси: “Ўттиз йил давомида шеър ҳақида ўйладим, унинг ифода шакллари, воситалари, принциплари, руҳи ҳақидаги фикрлар жуда кўп марта ўзгарди: шеър турмуш ўчоғидан олинган лаҳча чўғ, ҳаётини эпизодга асосланган, сюжетли бўлиши керак, деб шеърнинг бўлак турларини тан олмай анча йил юрдим; шеър ялт этган оний туйғу, завқ-шавақ тугъни, уни фақат муסיқа жанрлари билан қиёс қилиш мумкин, деган руҳда ҳам анча вақт ишладим; шеър ҳаёт фалсафасининг эссенцияси, фикр, фикр, фикр! Фикрсиз поэзия йўқ деб, анчагина бирёқлама рационалистик шеърлар ёздим...”

Дарҳақиқат, шоир ижодидан унинг ўзи таъкидлаган ана шу уч хил шеърятга ҳам қўлбад мисоллар келтириш мумкин. Чунончи улардан биринчиси сюжет асосига қурилган шеър, воқеабанд шеър мисол:

Қамишдан най қилди чўпон. Етим, ёлғиз, Най навоси янгар йироқ-йироқда. Шундан бери ҳар тонг кўза тутган қиз Келадиган бўлди булоқда. Кўп асарлар ўтиди, нуради харсанлар, Энди йўқ, албатта, дунёда чўпон. Най ҳам чириб кетди... Наво эса янгар Ва қиз ҳануз келар булоққа ҳар тонг.

“Наво” деб номланади юқоридаги шеър. У турли халқларнинг ривоятлар ва эртақларида тез-тез учраб турадиган сюжетларга ўхшаш кичик бир ҳаётини лаҳза асосига қурилган. Шу билан бирга, чўқур фалсафий, мажозий маъноларни ўз бағрида яшириб турибди. Айни маънолар шоирга тегишли, унинг шеърга юклаган бадий ҳақиқати ҳам шу ерда — навонинг, санъатнинг ўлмаслиги ва унга бўлган эҳтиёжнинг мангулигини айтишида.

Иккинчиси — шеърни ялт этган оний туйғуга тенглаштириш истаги. Асқад Мухторнинг “99 миниатюра” тўпламига килан ритилган “Тон” деб номланган ёҳуд “Икков ёлғиз эдик...”, “Кўзги еллар...”, “Эслаб ёшлигимни...” деб бошланувчи ўнлаб шеърлари шу истак-ишонч мевасидир:

Эслаб ёшлигимни — шеър илҳомчисин, Уйда ўтирирдим халқчан. Бироқ, Деразани чертиди ёмғир томчисин, Ер-кўкни титратди момақалдироқ. Ҳовлида болалар шўх қичқиради: — Найкамалақ, шойи палақ, чиқ! Мени зўё ёшлик чақирарди, Мени чорлаб янгарди қўшиқ. Мени бошлангач қикдим шойишлб, Унинг иссиқ қафтин сезарди елкам. Хотирада эмас экан ёшлик, Ёшлик — шу ҳаётнинг ўзида экан.

Уйда ёшлигини эслаб, хаёлан ўтирган шоир эътиборини деразани чертиб ёққан ёмғир куқда гулдираган момақалдироқ ўзига жалб этади. Шу чоғ ташқаридаги болаларнинг қийчуви унинг ёдиға болалигини туширади ва шоир худди бола мисол, ҳатто бола бўлиб ташқарига отилади. Шу лаҳзада у ўзини ҳақиқатан ҳам боладак ҳис этади. Шеър айни лаҳзада тугилади ва уни опий қадрият ўлароқ тараннум этади.

Учинчиси — бу фикрга асосланган, у ёки бу фикрни айтиб қолишга ошиққан шеърятдир:

Инсонликнинг маъноси ўзгарди. Оламнинг эҳсосиба қонуни янгли: Кўшинлар умрини қисқартар дардинг, Бахтинг ҳам бировнинг бахтига боғлиқ. Ҳар бир аза қисман менинг азам, Кимники, деб сўраб бўлмайди! Ёлғиз яшамайди дунёда одам, Улса ҳақ бир ўзи ўлмайди.

Инсон — табиатнинг бир қисми, деган аксиоманамо гап бор. Қолаверса, биз жамиятнинг ҳам ажралмас бир бўлагимиз. Аслида, мана шу оддий ҳақиқатни тушуниб етиш ва уни ҳақиқатан ҳам тушуниб етганча яшаётганимиз, нафсиламрини айтганда, улкан қаҳрамонлик, зиёилиқдир. Шоир юқоридаги саккиз қаторда ана шундан баҳс этаётир: мен табиату жамиятнинг, атрофда яшаётган одамларнинг бир парчасиман. Уларнинг азаси ҳам, тўйи ҳам айланиб келиб, ала-локибат, менинг ҳаётимда акс этади, деган фикрни илгари сураётир.

Яна шунини алоҳида таъкидлаб айтиш жоизки, Асқад Мухтор шеърға мана шундай алоҳида-алоҳида кайфиятнинг ифодачиси холос, деб эмас, балки поэзия бир вақтнинг ўзида юқоридагиларнинг ҳаммасини ўзида жамлаши мумкин, деб ҳам анча шеърлар қоралаган. Назаримизда, кўпинча айнан шундай бўлади: туйғу ва фикрнинг ўсиб, кечинмани ҳосил қилган шеърлар бандан савида жаранглаши мумкин. Мана, шоирнинг “Ҳамид Олимжонга” деб аталган шеъри:

Эрталабдан бутун руҳим синиқ, Осмонда қуёш ҳам бир зум қулмади. Юрак қисқалади... Аммо эртасида Урик оппоқ бўлиб гуллади. Эсимда, ёш эдим, Севган қизим кетди. Кўз ўнгимда қадди, сулғун қўйлаги... Бош эгиб юрардим... Бир кунчи яна Урик оппоқ бўлиб гуллади. Бари ўтар экан, биз ҳам ўтармиз, Ҳеч ким осмонга устун бўлмайди. Ушанда ҳам гўсаларни энгиб Урик оппоқ бўлиб гуллади.

Мана бу шеърда эса шоир бошқача ифодадаги ўз таржамани холини битади. Уни ўқиб туриб, беҳитиб: “Мана, сизга шоирни ҳарқатда келтирган қудратнинг ёзувдиги энг умумий суварати! Мана, сизга избори дил, аччиқ иқроннома!” деб ўйлайсиз. Дарҳақиқат, шоир ўз ўтмишига, демакки, “XX аср — менинг асрим!” дегувчи ҳар бир инсон кечмишига, асрдош, замондош тарихига мардона туриб назар соломқода ва энг муҳими, кўрганини борича қоғозга туширмоқда:

Барин кўрдим, севдим асримни — Бутун фожиаси, даҳшатин билан, Бутун гўзаллиғи, қўрамини билан, Севдим мен замондош наслимни. Қурашши, емириш, яратиш, қуриш, Мана шундай бўлди асримизда бахт. Сизда қандай бўлар — билмадим, Бизда шундай бўлди ҳамма вақт.

Шоир ўз асрининг фожиасиго даҳшадан тўиб, унинг гўзаллиғиго қудратини ажратиб алкаётгани йўқ, балки у қандай бўлса, шундайлиғича севаяпти — бор фазилатиго нуқсонни билан.

Айтилганлардан шундай хулосага келиш мумкинки, Асқад Мухтор XX аср ўзбек шеърятини тарихида, энг аввало, тасаввуримиздаги, яъни биз кўниккан шеърят сарҳадларини кенгайтиришга уринган ва бунга баҳоли кудрат муваффақ бўлган забардаст шоирларимиздан бири бўлиб қолади.

Улуғбек ҲАМДАМОВ, филология фанлари доктори

Тарих зарвараклари



Ўрта Осиё маданияти, тарихи, савдо ва маданий алоқаларини қадимги Термиз шахрисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу кўхна кентнинг қадимий номи Тармита бўлиб, “дарёнинг нариги соҳилидаги аҳоли манзили”, деган маънони билдирган. Қадимий шахарнинг умумий майдони 500 гектар, ҳозирги Термиз шахридан 7 километр жануби-ғарбда — Амурдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Унинг ҳар бир таркибий қисми дунёга машҳур ёдгорлик ҳисобланади. Масалан, Амурдарё бўйида 16 гектар майдонда ястаниб ётган энг қадимги қисми қалъа, деб аталади.

Буюк йўллар чорраҳасидаги қадим Кент

Яна бир қисми Амурдарё бўйидаги Пайгамбар ороли орқали ўтган кечувчи ҳимоя қилиб турган Чингизтепа қалъасидир. Учунчи бир бўлаги эса Чингизтепадан 500 метр қуйироқдаги умумий майдони 8 гектарни ташкил этувчи ғорсимон ва ер устида қурилган йирик буддавийлик иншоотлари мажмуаси — Қоратепа ёдгорлиги ҳисобланади. Ундан бир километр шимолда жойлашган иккинчи йирик буддавийлик ёдгорлиги — Фаёзтепа.

Эски Термизнинг шимолий ва шарқий тарафларида жаҳонга машҳур яна бир қанча обидалар бор. Уларнинг бири Зурмола буддавийлик иншооти бўлса, бошқаси Термизшоҳлар саройидир. Бу обидалар эски Термизнинг бир қисминини, холос.

Бундан ташқари, Мухаммад Ҳаким Термизий макбараси атрофида қазиб очилган ғорсимон иморатлар, шаҳар ички ва ташқи қисмини муҳофаза қилиб турган мудофаа истеҳкомлари, хонадонлар, шиласос, кулол ва хунарманд усталар маҳаллалари. X асрда Византиядан Термизга ташриф буюрган савдогарларнинг насроний ибодатхонаси мавжуд. Бу обидаларнинг барчаси эраимиздан аввалги 1-минг йилликнинг иккинчи ярмидан бошлаб, то 1220 йилгача, яъни Чингизхон кўшинлари шахарни ваирон этгунча Термиз Ўрта Осиё халқлари тарихи, маданияти, савдо ва маданий алоқаларида муҳим ўрин тутганини аңглатади.

Тармита Юнон-Бақтрия подшолиги (миллоддан аввалги 250-140 йиллар) даврида Александр Македонский юришларидан сўн Шарқда шаклланган эрлин даври маданиятининг икки дарё оралиғида тарқалишида асосий кўприк ролини ўтаган. Эраимиздан аввалги биринчи асрда Термиздан Буюк ипак йўлининг икки тармоғи ўтган. Асосий тармоғи Амурдарёнинг юқори оқими бўйлаб Бадахшон, тоғли Помир орқали Хитойнинг ҳозирги Шинжон мухтор туманига олиб борган бўлса, иккинчи тармоғи Шерободдарё ёқалаб Бойсун тоғидаги Темир дарвозадан Нахшаб (ҳозирги Қарши воҳаси), сўнг Самарқанд ва Шош, Уструшона (Сирдарё, Жиззах, Хўжанд), Фарғона воҳаси ва Еттисув орқали яна қадимги Хитой томон йўналган. Шу йўлдан бир томони Термиз орқали Балхдан қадимги Хиндустонга, Амурдарё орқали Хоразм, Ўзбой — Сарақамиш орқали Каспий денгизига ўтиб, Кавказ тоғларидаги дарёлар орқали Қора денгизга чиққан. Термиздан ўтган қаровлар Жанубий Туркменистон, Эрон орқали Уртаер денгизигача борган. Айни шу даврда Амурдарё бўйидаги умумий майдони 5 миң гектардан иборат Пайгамбар ороли савдо қаровлари учун бозор вазифасини ўтаган. Тўрт тарафдан келган қаров юклари шу манзилга туширилган ва чор атрофга тарқалган. Бу жараён 1220 йилгача давом этган.

Термизнинг қадимги Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни милодий I–III аср ўртасигача ҳукмронлик қилган Кушон подшолиги билан боғлиқ. Ушбу подшолик I асрда шаклланиб, тараққиёти давомида Марказий Осиёнинг катта қисмини (Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ҳамда Хитойнинг Шинжон мухтор тумани худуди) ўз тасарруфига бирлаштирган. Айниқса, император Канишка I даврида (иккинчи асрнинг биринчи ярми ўртаси) дунёнинг тўрт империясидан бирига айланган ҳамда Рим империяси, Парфия ва Хан Хитой даражасидаги давлат ҳисобланган.

Манбаларда ёзилишича, Кушон подшолигини ташкил этган йирик қабилалардан бирининг номи Думи. Тарихий археологларнинг ақиди фикрича, Думи, Тами — бу Тармита — Термизнинг қадимги хитойча номлаиши вариантдир. Тами уруғи ҳам Термиз шаҳрида яшаб, Кушон подшолиғи шаклланишига ҳисса қўшган.

Кушон подшолиғи даврида қадимги Сурхон заминининг кўп жойларида (Далварзинтепа, Холчаён, Айротом ва ҳоказо) шаҳарсозлик, танга пулар зарб этиш, хунармандчилик ва бадий санъат (ҳайкалтарошлик ва деворий рангтасвир) юксак даражада тараққий этган. Бунга Қоратепа, Фаёзтепадан топилган, оқтошга ўйиб ишланган ҳайкаллар мисол бўлади.

Бу диний иншоотлардан топилган санъат намуналари ҳозир Ўзбекистон давлат тарихи музейи, Термиз археология музейи ҳамда Термиз ва Термизийлар мероси тарихи музейи кўргазмалар залларини бебаъз турибди ва улар дунёнинг энг машҳур музейларидан жой олишга арзигулик манбалардир. Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан Париж

шаҳридаги машҳур Лувр музейида ўтказилиши режалаштирилган қадимги Ўзбекистон маданияти ва санъати намуналарини кўргазмаси эмблемаси учун Фаёзтепадан топилган деворий суратнинг танлангани (буни француз олимлари танлаган) бежиз эмас.

Кушон подшолиғи давридан (III асрнинг охири ва IV асрнинг иккинчи ярми) то шаҳар араблар томонидан эгаллангунча (VII аср охири) ҳаёт ўз измида давом этган. Шаҳар Эфталитлар, Ғарбий Турк хоқонлиғи ҳукмронлик қилган даврда ҳам ўз мавқеини йўқотмаган.

VII аср охири ва VIII асрдан бошлаб Термизда ислом маданияти шаклланиш жараёни кўзга ташланади. Шаҳарда ислом дини давригача мавжуд бўлган билимлар арбб халқлиғини диний ва маданий марказларидаги билимлар билан уйғунлашиб, мазмунан янги маданиятни шакллантирди. Бу жараён эса ислом оламида машҳур бўлган икки буюк инсон — Мухаммад Ҳаким Термизий ҳамда Абу Исо Мухаммад Имом Термизийнинг дунёга келиши, камол топиши ва буюклиққа эришишига сабаб бўлди.

X асрдан бошлаб Термиз уч қисмли шаҳар тушини олган бўлса, X асрда Жайхун дарёсининг қули ҳавзасидаги 500 гектар майдонда эгаллаган йирик кентга айланди. IX асрдан бошлаб Термиз Жайхундаги энг йирик порт шаҳар сифатида ҳам танилди. Термизликлар симоб қўзачалар, шима идишлар, хунармандчилик буюмлари ҳамда қайиқ ясаш ва совун ишлаб чиқариш бўйича ҳам моҳир бўлган. Узоқ ўлкалардан қаровнда сафарга чиққан одамлар Термизга кириб борсақ, албатта, ҳаммомда чўмилишимиз, деб орзу қилган экан. Шаҳарда фан ва маданият ҳар томонлама ривожланган. Бу ҳолни юзлаб термизийлар нисбасига эга бўлган, дунёвий ва диний билимларни эгаллаган забардаст олимлар номлари тасдиқлайди. Термизнинг нафақат ватанимиз, балки бутун Туронзамини тарихидаги маълум обрў ва нуфузи 1220 йил Чингизхон бошчилиғидаги мўғул кўшинлари томонидан ваирон этилиши билан аста-секин сўнди.

Эзма манбаларда қайд этилишича, термизликлар ўз шахрини мўғул кўшинларидан 11 кун давомида мардонвор ҳимоя қилган. Шу боис, XIII–XIV асрларда Термизда зарб этилган тангаларда “Мардлар шаҳри” нисбаси битилган. Қадимги 500 гектарли Термиз шаҳри бугунги кунда археологик обида ёдгорлиғи сифатида Амурдарё бўйида ястаниб ётибди. Қўхна Термиз тарихини чуқур ўрганиш ва ёш авлодга унинг аҳамиятини янада кенгроқ тушунириш, сайёҳлик салоҳиятини ошириш мақсадида Президентимизнинг 2018 йил 19 декабрдаги “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди Термиз давлат музей-қўриқхонасини ташкил этиш белгиланган.

Ҳа, кўхна Термизнинг ҳар бир иншооти ҳеч бир мулоафасиз катта бир музейдир. Масалан, Қоратепага ташриф буюрадиган сайёҳлар бу жойда қазиб очилган иншоот қолдиқларини кўриб лол қолади. Бу манзилга нисбатан қизиқиши ортиб, қайта-қайта томоша қилгиси келади. 2004–2006 йилларда Фаёзтепада Маданият вазирлиғи, Япония траст фонди, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлиғида катта ҳажмида таъмирлаш ва консервациялаш ишлари амалга оширилиб, Фаёзтепа замонавий сайёҳлик манзилига айлан-тирилди. Демак, тарихий обидаларни сақлаб қолиш бўйича тажриба ва маҳорат етарли. Шундай экан, Қоратепа, Зурмола, Термизшоҳлар саройи сингари ўнлаб обидаларни сақлаш ва музейлаштириш ҳамда Президентиимиз қарориди белгиланган вазифаларни бажаришга аллақачон вақт етган. Мутасадди ташкилотлар мутахассислар билан маслаҳатлашиб, таъмирлаш ишларини бошқича-бошқича амалга оширса, шубҳасиз, кўхна Термиз чин маънода давлат музей-қўриқхонага айланади.

Тўхташ АННАЕВ, Миллий археология маркази катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди,

Усобнали НОРМАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири